

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ
КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИДА
ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИ БИЛАН
ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Бабаҳанов Ҳамдам Қадамович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор*

Сапарбоев Нодирбек Улуғбек ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 318-ўқув гуруҳи курсанти*

Аннотация: Мақолада профилактика инспектори ва васийлик ҳамда ҳомийлик органлари ўртасида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик таҳлил қилинади. Болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари олдидан олиш, фавқулодда ёрдам кўрсатиш, ҳимоя ордерлари бериш ва профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқий механизмлар ва амалиётлар кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, васийлик ва ҳомийлик органлари, болалар ҳуқуқлари, зўравонликдан ҳимоя, ҳамкорлик механизми.

Аннотация: В статье анализируется сотрудничество между инспектором по профилактике и органами опеки и попечительства в области защиты прав детей. Рассмотрены правовые механизмы и практики предотвращения всех форм насилия в отношении детей, оказания экстренной помощи, выдачи охранных ордеров и реализации профилактических мер.

Ключевые слова: Инспектор по профилактике, органы опеки и попечительства, права детей, защита от насилия, механизм сотрудничества.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспектори фаолиятида васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳамкорлик механизмлари ва болалар ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бир қатор қонунлар билан тартибга солинган. Хусусан, 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси профилактика инспектори ва Ички ишлар органларининг вазифаларини, шу жумладан, бошқа давлат ва жамоат органлари билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

Шу билан бирга, Қонуннинг 11-моддасига кўра, Ички ишлар органлари ўз вазифаларини бажариш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд маълумотларни алмашишни амалга оширади. Бу модданинг биринчи қисми 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли Қонун билан ўзгартирилган бўлиб, ахборот алмашиш жараёнининг ҳам электрон шаклда амалга оширилишини назарда тутди.

Давлат органлари ва бошқа муассасалар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига кўмак кўрсатиши шарт.

Бола ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон Қонун, “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-996-сон Қонун, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-364-сон Қонун ҳамда Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция каби миллий ва халқаро меъёрий ҳужжатлар билан таъминланади.

Сўнгги йилларда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, “Ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди” тамойили асосида тизимли ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараён профилактика инспекторининг васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда болалар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга замин яратади..

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш соҳасида профилактика инспектори фаолиятида васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва маънавий ривожига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларнинг барча шакллари аниқ белгилайди ва тегишли чораларни кўришни назарда тутди.

Болаларга нисбатан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонлик, ғамхўрлик кўрсатмаслик, эксплуатация ва буллинг каби ҳаракатлар қатъий тақиқланади ва қонун билан жазоланади. Буллинг, хусусан, бола ўртасидаги психологик, ижтимоий ва молиявий таҳдидларни ўз ичига олади ва бунинг олдини олишда профилактика инспектори васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда тизимли фаолият олиб боради.

Буллинг деганда – бир гуруҳ болалар ёки бир боланинг бошқа болага ёки болаларга нисбатан, хусусан, зўравонлик қурбонига нисбатан ҳақоратли

лақаблардан фойдаланиш, у билан ҳар қандай мулоқотни чеклаб қўйиш (бойкот қилиш), унинг мол-мулкини қўлга киритиш ва (ёки) зарар етказиш, унинг ўзига хос жисмоний, психологик ёки интеллектуал хусусиятларини оммавий муҳокама қилиш, шаъни ва кадр-қимматини камситиш ёки соғлиғи ва ҳаётига зиён етказишда ифодаланган, шу жумладан телекоммуникация тармоқлари ва интернет орқали амалга ошириладиган муттасил психологик ва (ёки) жисмоний тажовузкор ҳаракат тушунилади.

Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишда ваколатли органлар – президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, прокуратура, ички ишлар органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқа масъул тузилмаларнинг вазифаларини белгилайди. Профилактика инспектори ва ушбу органлар ҳамкорлиги орқали болалар ҳуқуқлари бевосита таъминланади, жабрланувчи болалар учун ҳимоя ордери бериш, фавқулодда ёрдам кўрсатиш, оила ва тарбия муҳитини мустаҳкамлаш каби чора-тадбирлар амалга оширилади.

ЖССТ болаларга нисбатан зўравонликнинг 4 турини алоҳида ажратади: жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, ҳиссий (психологик) зўравонлик, бепарволик.

Жисмоний зўравонлик – бутун дунёда кузатиладиган ва бир хилда қабул қилинадиган зўравонлик туридир. АҚШ ва Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотга кўра, болаларнинг 90 фоизи жисмонан жазоланган. Маданиятдаги фарқларга қарамай, жисмоний жазолаш бутун дунёда тарбиялаш ва тўғри йўлга солишнинг биринчи воситаси саналади. Жисмоний жазо ҳар қандай ҳолатда ҳам бола ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланади, мутахассислар ушбу масалада эҳтиёткор бўлишни тавсия этадилар. Чунки айти пайтда қўлланилган, арзимасдек кўринган жазо келажакда бирмунча хавфли ва шафқатсиз шакллардаги тазйиқлар учун замин яратиши мумкин.

Руҳий ва ҳиссий зўравонлик – боланинг кадр-қимматини камситиш, уни кўрқувга солиш, шахсиятини таҳқирлаш каби оғзаки хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Айрим ҳолларда руҳий тазйиқ жисмоний зўравонликдан кўра оғирроқ оқибатларга олиб келиши мумкин.

Жинсий зўравонлик – балоғатга етмаган болалар билан шахвоний тарзда жинсий яқинлик қилиш билан характерланади. Бундай суиистеъмолликлар ҳақида очиқ маълумотлар кам бўлса-да, ЖССТнинг [тахминларига](#) кўра, бутун дунёда қизларининг 20 фоизи, ўғил болаларнинг 5-10 фоизи жинсий зўравонликка дуч келади. 2000-йилги ҳисоботга кўра, АҚШда содир этилган жинсий зўравонлик қурбонларининг 67 фоизини вояга етмаганлар, 34 фоизга яқинини эса 12 ёшга тўлмаган шахслар ташкил этган. Ушбу статистикадаги

тазйикларнинг 34 фоизи оила аъзолари, 59 фоизи эса жабрланганлар таниган шахслар томонидан [содир этилган](#).

Қонун болаларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларнинг болалар билан бевосита ишлашнинг таққилайди ва уларни профилактик ҳисобга олишни назарда тутди. Профилактика инспектори мазкур реестр ҳамда ҳимоя чоралари жараёнида васийлик ва ҳомийлик органлари билан самарали ҳамкорликни таъминлайди, болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлайди.

Шу боис, болалар ҳуқуқларини таъминлашда профилактика инспектори ва васийлик ҳамда ҳомийлик органлари ўртасидаги ҳамкорлик нафақат ҳуқуқий мажбурият, балки самарали профилактика фаолиятининг асосий омилларидан бири сифатида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Профилактика инспектори ва васийлик ҳамда ҳомийлик органлари ўртасидаги ҳамкорлик болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Юқорида келтирилган ҳуқуқий асослар ва амалиётдаги механизмлар болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, тегишли чоралар кўриш ва профилактик тадбирларни самарали амалга ошириш имконини таъминлайди. Шу тариқа, ҳамкорлик тизими болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда самарали восита сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон Қонун,
3. “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-996-сон Қонун,
4. “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги ЎРҚ-364-сон Қонуни
5. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция
6. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6275-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 29-ноябрдаги “Жамоат ҳавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–27-сон Фармон.
10. <https://uz.hook.report/2022/08/bolani-urma/>
11. Қадамович Б. Ҳ., Шухратбеков Х. Ш. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРДАН ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТимоий РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 14-19.

12. Қадамович Б. Ҳ., Махсудбеков М. М. Ў. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКАНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ХОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 21-27.